

«Бухоро ремонт-механика заводи» меҳнат жамоаси нефт-газ тармоғи учун ишлаб чиқариладиган ностандарт жиҳозлар ҳамини кўпайтирди.

Жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида уч юз йигирма бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу умумий маҳсулот ҳажмининг 90 фоиздан зиёдрогини ташкил этади. Шунингдек, корхонада турли агрегат қисмлари таъмирланиб, қўшимча қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона меҳнат жамоаси томонидан халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилаётганлиги туфайли катта даромад кўрмоқда. Йил бошидан буён йигирма тўрт миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 28 сентябр, чоршанба № 159 (2000)


СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислўм Каримов 27 сентябр кўни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси Дэннел Фридни қабул қилди.

Музокара чоғида Ўзбекистон билан АҚШ муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳусусида сўз борди. Шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

(ЎЗА)



«Богдодон» ҳиссадорлик жамиятида сифатли уруғ тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилапти. Негаки, мавсумнинг ютуғи ҳам айнан тезпишар навага боғлиқ. Ҳозир бу ерда ўнга яқин бугдой нави тайёрланапти. Уруғлик донни дориллаш, саралаш ишларида ўн нафардан ортиқ ишчи, механизатор ва мутахассис-ҳодим қатнашмоқда. Улар мавсумда беш минг тонна уруғлик етказиб беришмоқчи.

Суратларда: «Богдодон» ҳиссадорлик жамияти уруғлик бугдой тайёрлаш цехида; лаборант Гулчехра Эргашева. Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар

## Касаба уюшмалари бозор шароитида

Касаба уюшмалари ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишларга ҳамоҳанг равишда меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратганлар.

Аҳолининг кам таъминланган қатлами муҳофазалаш, фахрийлар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, боқувчисини йўқотган қарияларга меҳр-муруват кўрсатиш, оналар ва болаларни соғломлаштириш ҳамда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя-

мақсади ҳодимларга тўлиқ меҳнат ва ўқиш шароитлари яратиш, ойлик маошлар ва бошқа тўловларни вақтида тўлаш, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, соғломлаштириш, дам олиш шароитларини ташкил қилиш каби муҳим масалаларни ўз ичига олади. Эндиликда касаба уюшма аъзолари фақат йигин-

рида соғлом маънавий муҳитни шакллантиради. Меҳрга ташна, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилардан 583 нафарига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. 66 нафар етим болаларга кийим-кечаклар тарқатилди. 62 нафар ногиронларга 609 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий таъминот бўлими ва ҳомийлар томонидан Чаплаарик қишлоғида яшовчи Хусан Саидов, «Қалқам»

## ҲАЁТ ҚАЙНАГАН ЖОЙДА

лашда агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Чироқи туман кенгашида муайян ишлар амалга ошириляпти.

Меҳнат кодексига барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларининг мажбурий тузилиши кўрсатилган. Ижтимоий шерикчилик асосида тузилган тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида ҳодимлар учун берилган имтиёз ва кафолатларга тўлиқ амал қилиш, иш ва ўқиш шароитларини яхшилаб, меҳнатни муҳофазалаш масалалари ўз ичига олиниши тоғлан. Кенгаши қарашли 41 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари бўлиб, улардан 10 таси ширкат, 12 таси фермер хўжалиқларида, 18 таси корхона ва ташкилотларда иш юриталяпти. Туман деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасида ҳам касаба уюшма ташкилоти ишлаб турибди. Тумандаги 24 минг 410 нафар касаба уюшма аъзолари 262 та цех, 217 та гуруҳ касаба уюшма ташкилотларига бирлашган.

Иш режасига мувофиқ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмалари ва тармоқ касаба уюшмасининг Низоми, Ҳаракат дастурида қайд этилган вазифалардан келиб чиқиб, асосий эътибор одамларнинг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашга қаратилган.

Иш бевуричлар ва касаба уюшмалари ўртасида тузилган жамоа шартномаларининг асосий

ларда шунчаки иштирок этиш учун эмас, муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар. Жамоа шартномалари корхона, ташкилот ва хўжалиқларда иш бевурич билан ҳодим ўртасида меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни тартибга солуви ва барқарорлаштирувчи меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Иброҳим Эргашев раҳбарлик қиладиган «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги касаба уюшма ташкилотига ҳар бир жараён чуқур таҳлил этилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ режалар белгиланади.

Тумандаги «Соҳибкор» (касаба уюшма етакчиси Н.Раҳмонов) ва «Чия» ширкат хўжалиқлари (касаба уюшма раиси Х.Эргашев)да меҳнатқашларни моддий рағбатлантириш, соғломлаштириш, спорт мажмуаларини ишони яхшилашга жиддий аҳамият бериляпти. Қабул қилинган қарорларнинг ижроси таъминланмоқда. Бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида икки марта касаба уюшма ташкилотлари раислари ва фаоллари билан ўқув-семинар ўтказилди. Йўлдош Охунбоев номли ва «Наврў» фермер хўжалиқлари касаба уюшмаси фаолияти ўрганилганда, ҳодимлар меҳнат ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда камчиликлар борлиги ҳам маълум бўлди. Касаба уюшма фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Доимий гамхўрлик кўрсатиш меҳнат жамоала-

ширкатидан Холбиби Қўзибоева, А.Ҳамроев номли маҳалладан Умид Аҳмедов, «Пахтакор»дан Дилдора Жуманова, «Соҳибкор»дан Қўлайсин Худойназаровларга ногиронлик аравачаси берилди.

Касаба уюшмалари бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатқашлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоясига айланган. Бирок, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш борасида камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Айрим қишлоқлар тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланмаган. Электр энергияси етказиб беришда узилтишлар учраб турибди. Эътиборсизлик туфайли Чироқи консерва заводи ва «Саховат» корхонаси касаба уюшма ташкилотларининг иши ўз холига ташлаб қўйилган. Корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий суғурта маблағларидан қарзи 8 миллион 640 минг, аъзолик бадалларидан қарздорлиги 15 миллион 400 минг сўми ташкил этади.

Давр олға қараб интильмоқда. Қўл қовуштириб туриш пайти эмас. Ўз аъзоларининг меҳнат ва ҳуқуқий ҳимояси ҳақида гамхўрлик кучайтирилса касаба уюшмаларининг жамоалардаги обрў-эътибори, нуфузи янада ошади.

М.ТУРДИЕВ, Чироқи туман Агрисаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшма кенгаши раиси

## ТОМДИ МАКТАБЛАРИ

Кизилкўм бағрида жойлашган «Томди» коракўлчилик ширкат хўжалигининг «Роҳат» овулидаги 18-мактаб ҳозирги замон талабларига мос равишда қайта қад ростлади. Уни Зарафшон шаҳридаги «Ясин» фирмаси қурувчилари киска муддатда қуриб битказди. 160 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилиши учун 70 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Айни пайтда ўқув даргоҳида ёшларнинг пухта билим олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Фан кабинетлари, компьютер хонаси, спорт майдончаси ўқувчилар хизматида. Худди шунингдек, олис ўтемурад, Алдаберген

овулларидаги умумтаълим мактабларида ҳам кенг кўламда капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу ердаги қурилиш ва жиҳозлаш ишлари учун 100 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

## ДИЛШОД - ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Истиқлол йилларида спортни ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор туфайли бугун юртимиз ҳақли равишда дунёнинг йирик спорт марказларидан бирига айланган. Мамлакатимиз теннис, бадий гимнастика, синхрон сузиш, футбол, бокс, каратэ, кикбоксинг, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, самбо бўйича йирик халқаро турнирларга мезбонлик қилди.

Миллий курашимиз эса халқаро спорт турига айланди. Ёшларнинг бошланғич синф ўқувчисидан то олий ўқув юртлири талабаларигача бўлган даражани ўзига қамраб олган, ҳали жаҳон таърибисидан кузатилмаган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларидан иборат уч босқичли узлуқсиз спорт тизими ҳозир эътиборда. Ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзига жалб қилини, уларга спорт билан мунтазам шугуллашни учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

Юртбошимиз Ислўм Каримов мамлакатни бутун дунёга танитишда спортнинг ўрни беқийёс эканини алоҳида таъкидлаган эди. Бугун ушбу пурмазно сўзларнинг исботини кўряптимиз. Мустақиллик йилларида спорт гимнастикаси устаси Оксана Чусовитина, боксчилардан Мухаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Уткир Ҳайдаров, Артур Григорян, юнон-рум курашчиси Дилшод Орипов, Александр Доктуришвили, эркин кураш усталари Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, дзюдочи Аб-

дулла Тангриев жаҳон ва кўтба чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида голиб чиқди. Будапешт шаҳридан яна бир хушхабар келди. Венгрия пойтахтида бошланган эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Дилшод Мансуров жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз финалда Болгария вакили Радослав Великов билан куч сынашди. Рақибни устидан зафар қўчган Дилшод Мансуровга жаҳон чемпионатининг олтин медали топширилди ва унинг шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, қатламиз мадҳияси янгради.

Дилшод Мансуровнинг ушбу ғалабаси икки йил муқаддам АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатини ёдга солди. Унгача терма жамоамиз аъзоларига эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатларида олтин медал олиш насиб этмаганди. АҚШдаги мусобақада Дилшод Мансуров 55 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган бўлса, Артур Таймазов оғирлиги 120 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида жаҳон чемпиони бўлган эди.

Мана, орадан икки йил ўтган, Дилшод чемпионлик ўнвонини муносиб ҳимоя қилди. Эркин кураш сир-асорларини таниқли мураббий Маъмур Рузиевдан ўрганаётган 22 йшли полвонимиз ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳам жаҳон чемпионати олтин медалларини қўлга киритган, Осиё ўйинлари ва кўтлаб халқаро турнирларда голиб чиққан.

(ЎЗА)

## Ижтимоий ҳимоя

Ижтимоий муҳофаза давлатимиз инсонпарварлик сийбосининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу боис Учқудук туманида меҳнат қобилиятини йўқотган ногиронлар, кам таъминланган оилалар, қариялар ва моддий ёрдамга муҳтож кишилар тўғрисида доимий гамхўрлик кўрсатилляпти.

Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида пенсия ва ижтимоий нафақалар ўз вақтида етказилганга етказиб бериляпти, аҳолини иш билан таъминлашга эътибор оширилган.

Қизилкўм бағрида жойлашган қадимий аҳоли масканида бир-бирдан олис қишлоқ овуллари бор. Туман ҳокимлиги, мутасадди ташкилотлар раҳбарларидан иборат гуруҳлар аҳоли яшаш жойларида одамларнинг турмуш тарзидан хабардор бўлиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга амалий ёрдам кўрсатишляпти.

Мавжуд 6 та маҳалла ва 6 та овул фуқаролар йиғинларида турли миллат вакиллари яшай, умргузаронлик қилмоқда. Ҳозирги кунда пенсия ва нафақа олувчилар 2824 нафарни ташкил этади. Ўзгалар парваришига муҳтож 44 нафар пенсионер ва қариялар ҳомийларга бирктирилган.

Савоб ишчи хар ким, хар кучи қилиши керак. Бу борда Тилов ака Бобоев раҳбарлик қиладиган «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимининг фаолияти ибратли. Жамғарма ташаббус билан кам таъминланган оилаларга 500 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам қўрсатилди. Абай, Навоий номли маҳаллалар, Боздоқ овули оксколлар томонидан уюштирилган хайрия тадбирлари қийналган киши-

ли хизмат кўрсатишляпти. 8 нафар пенсионер ва ногиронларга сижатҳоҳларда даволаниши учун белгил йўлланмалар ажратилди. «Бандлик» дастури изчиллик билан амалга ошириляпти. Утган даврда меҳнат бўлимига мувожаат этганлардан 1050 нафари ишга жойлаштирилди. Урта махсус ўқув юртлирини тутатган ва

## МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИФ ТУТМАНГ

қудук паркетни» қурилиш материаллари ишлаб чиқариш фирмаси ва чорвачиликка ихтисослашган «Учқудук чорваси» фермер хўжалиги ишлаб топган маблағлардан фойдаланилмоқда.

Хар бир эҳтиёжман инсон алоҳида гамхўрлик билан қўриша олмай, уларга нисбатан гамхўрлик кўрсатишмоқда. Ижтимоий таъминот бўлими ҳисобидан 148 нафар оғир ва ёшлар ногирон, 13 нафар етим болалар бор. Улар кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланаяпти. Бу борда «Учқудуксавдо», «Миллий банк», «Деҳқон бозори», «Ўзгросурурт»нинг туман филиаллари, «Нуроний» жамғармаси, «Қизил Ярим ой» жамияти каби ҳомийлар фаоллик кўрсатмоқдалар.

Йилнинг ўтган даврида ўзгалар ёрдамига муҳтож яққал ёш кишиларга қарийб 2 миллион сўмлик 9 хилдаги озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Уйда ётиб қолган беморларга 6 нафар патронаж ҳодимлари намуна-

бошқа имтиёзларга эга бўлган ёшлардан 419 нафарни квота бўйича ишга юборилди.

Туман ҳокимлиги, меҳнат бўлими, прокуратура ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан ўтказилган «Бўш иш ўринлари» ярмаркасида шаҳар ва тумандаги 23 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларининг бўш ўринлари билан қатнашдилар ва юздан ортиқ фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Оилалар моддий жиҳатдан барқарор ва осийишта бўлса, барча муаммолар ҳал этиляди. Навоий кон-металлургия комбинати томонидан юздан ортиқ кам таъминланган оилага моддий ёрдам қўрсатилганлиги, корхона фахрийлари аҳолидан хабар олиб турилаётганлиги одамлар ўртасида меҳр-оқибат, ақиллик ва дўстликни мустаҳкамлашга ҳизмат қиляпти.

И.ЭРГАШЕВ, Навоий вилояти Учқудук туман ижтимоий таъминот бўлими мудбири

## Бундайларни ким деб атайлик?

Нафсига эрк бериш инсонни хар қўйга солиши азиздан маълум. Бундайлар, айниқса, мансабга эришгач, ўзига оқлатилган масъулиятни унутиб қўйишади. Наманганлик Зокир Нуритдинов ана шундайлар сирасидан чиқиб қолди. 2002 йилнинг 3 октябрында Давлат акционерлик «Замин банк»нинг Наманган худудий филиалига бошқарувчи лавозимига тайинлангач, «удабурон» раҳбар енг шимариб ишга киришди. У банк фаолиятига доир қонун-қондаларни сув қилиб ичиб юборган бўлса-да, қўпол хатоликларига йўл қўйди. Яъни мўмай даромад топиш мақсадида танишлари билан тил бириктириб, жинорий гуруҳ тузди. Улар ёрдамида режаларини бирин-кетин амалга ошира бошладилар.

Нуритдинов дастлаб хусусий тадбиркор Боситхон Исҳоқжаевнинг турмуш ўртоғи Раъно Қодирова номига банкда ҳисоб рақами очиб, сохта «Қодирова Раънохон» номли деҳқон хўжалиги ташкил этди. Шундан сўнг хўжалик ҳисоб рақамидан бўлган катта суммадан жинорий ҳаракатларида фойдаланди. Бундан ташқари, «Уз-ДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиб олишни хоҳлаган харидорлар номига сохта ҳисоб рақами очди ва қишлоқ хўжалиги ҳамда қандолатчилик маҳсулотлари ва қорамоллар сотиб олинди, деб қалбаки ҳужжат тузди. Орузи силлиққина амалга оширидан хурсанд раҳбар ноқонуний ҳаракатини тўхтатишни хаёлига ҳам келтирмади. Ақсичча, унинг нафси ҳақалак отиб борди. У зунининг 56 та ҳолатда содир этилган жинорий иши орқали 259 миллион 200 минг сўм

маблагни гумдон қилди. Ушбу ҳолатларга доир бир неча кишилар номига қалбаки ҳисоб рақамлари очди. Уша шахслардан ҳам юқоридаги каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олинди, деб ҳужжатлар тайёрлаб, харидорлар номига расмийлаштирди. Жумладан, у хусусий тадбиркор Неъмат Воҳидовнинг ҳисоб рақамидан фойдаланиб, фуқаро Мақсуд Сангинов номига 2003 йил 24 ноябрда 3 миллион 960 минг сўм, 27 ноябрда эса 3 миллион сўм ўтказди. Яна бир тадбиркор Нодир Мўминов номидан иш юритиб, машина олиш илинжида пул берган харидорлар И.Эрназаровга 2 миллион 309 минг 40 сўм, Э.Мамажоновга 2 миллион 994 минг сўм, Н.Свиниц-

кий, номига 7 миллион 133 минг сўм кўчириб берди. Бу ишларни амалга оширишда таниши Б.Исҳоқжаев билан жинорий тил бириктирди. Бу гал ҳамтовқоқлар хусусий тадбиркор Баҳодир Бобоев номидаги ҳужжатлар, муҳр ва штамплардан фойдаланишни қўйилмақом қилиб амалга оширишди. Харидорлардан жами 113 миллион 145 минг сўм ун-

мактабдан 1 миллион 600 минг 300 сўм, Наманган шаҳар маданият бўлимидан 1 миллион 372 минг 200 сўм миқдорда қарз бўлиб, миқдорлар норозлигиға учради. Урганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек 3.Нуритдинов шерикларига бевосита раҳнамолик қилиб, кейинчалик «Маҳсулма» кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари Одижон Асқаровга тикувчилик ва ишлаб чиқаришни ривожлантириши учун «беминнат» ёрдам беришга аҳд қилди. Унга 10 миллион сўм миқдордаги киска муддатли кредит тегишли тартибда мутахассис хулосасисиз бериб юборилди. Кредит ҳисобига гаровга қўйилган, Россияда ишлаб чиқарилган, асли нархи 1 миллион 727 минг 12 сўм бўлган «АТМ-175-5» ва «КО-2» русумли тикув дастгоҳлари қиммат нархда баҳолатиб, қабул қилинди. Шундан сўнг 2003 йилнинг 29 мартда қайтарилиши керак бўлиб, муддати кечиктирилган 7 миллион сўм ўрнига гаровга қўйилган дастгоҳларни 13 миллион сўмга баҳолатиб, банк манфаатиға жиддий зарар етказди... Ўйлаб қоласан киши. Инсон дегани шунчалар очкўз, шунчалар тубан бўлиши мумкинми? Йўқ чамаси, бундайлар инсон қиёфасидаги шайтонлардир. Ана билмадик.

Р.САЙДАҲМЕДОВА, «Ишонч» муҳбири

## БАҲОСИ ЙЎҚ НЕЪМАТ

Сўх туманида Эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилётган тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда.

Ҳабибулло Ерматов «Сўх-Чашма» фирмасини ташкил этиб, турли чанқовбости ичимликлар ишлаб чиқара бошлади. Тез орада унинг маҳсулотлари сифати билан харидорлар эътиборига тушди. Айни пайтда Франция ва туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда замонавий қадоқлаш технологиялари ўрнатилган янги цех ишга туширилиш арафасида турибди. Бу яна юзта иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Сўх чекка туманлардан, - дейди Х.Ерматов. - Шунга қарамай бу ерга ҳам санаят кириб келяпти. Туманимиз обод ва гўзал гўшаға айланиб бормоқда. Ёшларимиз замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда меҳнат қилмоқда. Барча савий-ҳаракатларимиз халқимиз турмушини яхшилашга қаратилган. Фирманинг даромади ҳам ортиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида бу ерда юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

# Матбуот сўзининг таъсирчан кучи

## «Ишонч» газетасининг 2000 - сони босмадан чиқди

Барча матбуот нашрлари қатори «Ишонч» газетаси таърихига ҳам республикамизнинг турли бурчакларидан, турли қасб эгаларидан хатлар келади. Уларнинг муаллифлари мустақиллик йилларида республикамизда эришилаётган ютуқлар, кенг қўламли ўзгаришлар, бунёдкорлик оидимлари, замондошларимизнинг фидойилиги, Ватанга, қасб-корга садоқати ҳақида тўқинлашиб хикоя қилишади. Бироқ ҳаётнинг қувончу таъширчилари деганларидек, айрим мактубларда баъзи бир камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам танқид остига олинган бўлади.

ликлари оқибатида айрим тўсиқларга дуч келмоқдалар. Ваҳоланки, уларни ўйлантираётган, тўқинлантираётган муаммони ҳал этиш учун кўп нарсга керак эмас. Тегишли идора ва ташкилотга расман мурожаат қилиб, қонуний талаб қўндаланг қўйилса, мушкуллари осон бўлади. Нима бўлганда ҳам ҳар қандай ша-

## ТАҲРИРИЯТГА ХАТ КЕЛДИ

Таърият ходимлари хат ортида инсон тақдирини ётганлигини чуқур ҳис қилган ҳолда диплоналари синчиқлаб ўқиб-ўрганадилар. Уларнинг ҳар бирини унумли фойдаланишга, муаммоларни қонуний асосда ҳал этишга киришадилар. Касаба уюшмалари нашри бўлиши «Ишонч» саҳифаларида тез-тез кўринаётган «Ҳақ-хуқуқимизни билаллик, уни ҳимоя қила олайлик», «Масала қўндаланг қўйилди», «Ҳақдор аччиқ ҳақиқат», «Долзарб мавзу», «Хат йўлга қорлади» каби руқлар остида берилган мақолаларда меҳнаткаш манфаати, ҳақ-хуқуқининг ҳимояси ўз ифодасини топган. Эътиборлиси шуки, журналистларимиз ўз фаолиятлари давомида қанчадан-қанча кишилар мушкуллари осон этишди. Ижтимоий соҳадаги камчиликларни бартараф этишга ҳам ҳисса қўшиб келишмоқда.

...Сирдарё вилоятининг Сайхунбод туманида истикомат қилувчи М.Турдимуродовдан шикоят хати олинди. У фермерлар сағига қўшилишни оила аъзолари билан ниёт қилиб, хайри ишга астойдил бел боғлаганлигини, бироқ мутаъдиллар унга ер ажратишни пайсалга солишганлигини кўниб ёзганди. Хат журналисти сафарга қорлади. Кўп ўтмай газетамизда танқидий мақола чоп этилди. Матбуот сўзининг таъсирчан кучи

роитда журналистларимиз меҳнаткаш инсонга ҳамқору мададкор бўлишга қўлларидан келганича ҳаракат қилишмоқда. Шундай мактублар ҳам келадик, уларни ўқиб чуқур ўйга толсан киши. Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги маҳалалардан бирида яшовчи Анорхол Чориевнинг бизга йўллаган шикоят-аризаси ҳақида тўхталас. Жумладан, унда шундай сатрлар бор:

«Мен икки нафар фарзандим билан турмушдан ажралиб, онам қарамоғида яшайман. Онамнинг воғга етган икки нафар ўғли бўлиб, уларни ўйлантириш учун жой йўқ. Чунки биз яшаётган уй тўрт хонадан иборат, унда икки оила, олти киши яшаймиз. Шу сабабли ҳужалик бошқаруви ва туман ҳокимлигига бир неча бор томорқка-ер сураб, ариза бердик. Лекин барчаси натижасиз қоляпти.

Олти йилдан буён сарсон бўлиб, бормаган жойим қолмади. Айрим раҳбарларнинг аризамизга жавоб тариқасида «Ҳужалик» сув селгалари оқадиган тошлоқ ердан томорқа бериш учун қорлар қилиб чиқариши кўпчиликни ҳайратлантирапти. Чунки тақдир этилаётган тумонга биз яшаётган жойдан беш километр узоқликда жойлашган. У ерга бориб-қелишнинг имконияти йўқ. Шу боис бизга амалий ёрдам беришингизни сўрайман.»

Газета аралашувидан сўнг муштипар аёл мушқули осон



бири шуки, самарқандлик муштипар аёл, раҳбар кадрнинг мушқулини осон этиш учун касаба уюшмалари билан ҳамкорликда бир ярим йил мобайнида тинимсиз ҳаракат қилишга тўғри келди. Охир-оқибат аёл ўзи ишга қайта тикланди. Мажбурий бекор юрган қунлари учун тегишли иш ҳақи ундириб берилди.

Одамлар қорига яраш, уларнинг мушқулини осон этишга ҳисса қўлиш катта бахт. Ана шундай савоғга шерик бўлаётганлари билан ҳодимларимиз ҳақли равишда фахрланишадилар.

**А. ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудир

## ЎЗ ИШИМГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИМ

Касбимни жон-дилдан севаман. Ёшлигимдан илҳос қўйиб, унинг нозик томонларини пухта ўзлаштирдим. Йиллар мобайнида мураббийлар билан басма-басига ишлаб, маҳсулот сифатини яхшилаш, турини кўпайтиришга озми-кўпми ҳисса қўшдим. Кўпмиллатли кишилар ўртасидаги ҳамқору ҳамжихатлик барчамизни янги марралар сари руҳлантирарди.

Бироқ, ҳаётда сен кутмаган, ўйламаган ишлар ҳам бўлиб туради. Корхона маъмурияти асосиз равишда вазифамдан бўшатди. Сабабини билолмай қийналардим. Чамаси тўғрисиқўлим қимларгадир

ёқмади. Адолатни тиклаш учун қатор идораларга учрашдим. Натижа бўлмагач, «Ишонч» газетаси таъриятига мурожаат қилдим. Касаба уюшмалари мутахассислари ҳамда журналистлар астойдил ҳаракат қилиб, менга нисбатан нотўғри йўл тутилганлигини асосли тарзда исботладилар. Шундан сўнг ўз ишимга қайта тикландим. Мажбурий бекор юрган қунларим учун корхона ҳисобидан маблағ ундириб берилди. Адолатнинг тантана қилиши нақадар яхши!

**З. АҚРОМОВ,**  
Наманган вилояти, ишчи

Шундай мураккаб, нисозли масалалар бўладики, унда адолат тантана қилиши учун журналист, ҳуқуқшуносда чуқур билим, тажриба ва кўнг бўлиши керак. Шундагина барча кутган максатга эришиши мумкин. Қатор воқеалардан сабоқ олиб гапираялман бу гапни.

## ҲУШЁРЛИК ВА ИЗЧИЛЛИК ШАРОФАТИ

... «Ишонч» таъриятига Қорақўл тумани Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғини худудда яшовчи И.Авлиёқуловдан арзнома келиб тушганини эшитиб ҳайратландик. Бунинг сабаби шуки, хат эгасининг ёзганлари ҳақиқатга асло тўғри келмасди. Газетачилар, вилоят ҳокимлиги вакиллари биргаликда шикоят хати асосида текширув ўтказдилар. Шунда ҳайратомуз манзарага дуч келинди. Ўйини, «Янгибозор» ширкат ҳужалиги худудда жойлашган «Шаҳод-Шохижон» фермер ҳужалигининг 538-540 контуридан фуқаро И.Авлиёқулов ва бошқа шахслар томонидан қонун талабларига зид равишда уч гектарлик ерни эгаллаб олиш ҳолати содир этилган. Туман ҳокимлиги ҳамда туман ер ресурслари хизмати томонидан улар неча бор оғохлантирилишига қарамасдан, ерни ўз эгасига қайтармасдан қилишган. Охир-оқибат таъриятга хат йўллаганларнинг ўзи ноқулай аҳволда қолди. Адолат қарор топиб, ер ҳақиқий эгасига қайтарилди.

Эътиқодли, ҳаммиса адолатни ёқлайдиган, ташаббускор қаламқашлар кўпаяверсин!

**И. САНИЕВ,**  
тадбиркор

## ЁШЛАР ОРЗУСИ УШАЛДИ

Мен «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Правда Востока» газеталари қатори «Ишонч»ни ҳам мунтазам кузатиб бораман. Бир воқеа туфайли туртинчи ҳокимият нималарга қодир эканлигига амалда тўла ишонч ҳосил қилдим. Гап шундаки, «Ишонч» газетасининг шу йил апрел ойи сониде «Ёшлар бўш вақтларини қаерда ўтказишим?» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилди. Унда Норин туманининг Норинкапа ва Тўда қишлоқларидаги ёшларнинг сеvimли масканига айлангани керак бўлган кутубхоналар ва маданият саройларининг ишламаётганлиги сабаблари атрафлича таҳлил этилганди.

Матбуотнинг танқидий чиқиши акс садо берди. Мутасаддилар камчиликларни бартараф этиш, қишлоқ ёшларининг орзусини рўёбга чиқариш учун астойдил ҳаракатга тушдилар. Танқиддан сўнг Норинкапа қишлоғидаги маданият уйи ва кутубхоналар ширкат ҳужалиги балансидадан Маданият ва спорт бўлимига ўтказилди. Ҳозирги кунда қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли худудларда учта кутубхона ва битта клуб аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Маданият саройини таъмирлаш бўйича тадбир-режалар тузилиб, ҳомийлар бириктирилди.

Тўда қишлоғида жойлашган клуб биносини Ёшлар спорт саройига айлантириш максатиде ҳокимлик билан келишилган ҳолда ширкат ҳужалиги балансидадан чиқарилиб, туман халқ таълими бўлими ихтиёрига ўтказилди.

Шу тариқа маданий-маънавий ва спорт тадбирларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилди. Қишлоқ ёшларининг орзуси ушалишида яқиндан мададкор бўлган «Ишонч» газетасидан миннатдоримиз.

**И. ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
талаба

## АНДИЖОНДА ТҮРТ ЮЛДУЗЛИ МЕҲМОНХОНА

Андижонда «Водяная» Ўзбекистон - Россия қўшма корхонаси томонидан замонавий меҳмонхона мажмуасининг қурилиши бошланди. Мазкур қурилишда 1,2 миллион АҚШ доллар микдоридеги маблағ ўзлаштирилган. Пулрат ишлари «Вилоят уй-жой қурилиш» бирлашмасининг 5-қурилиш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Асосий мажмуанинг уч қаватли биносидан евростандарт талабларига жавоб берадиган дам олиш хоналари, бар, ресторан жой олади. Лойиҳада боулинг-марказ, мажлис залли, тренажёр зали, шунингдек, сузиш бассейни ва супермаркет қурилиши ҳам кўзда тутилган.

Меҳмонхона қурилиши олиб борилаётган бир вақтда малакали ходимларни танлашга оид масала ҳал этилмоқда. Янги отел илк миқозларни 2006 йилда қабул қилади.

## Оролбўйида юзага келган мураккаб демографик шароитга қарамадан иқтисодий ва ижтимоий муаммолар охинона ҳал этилмоқда. Мажбуур имкониятлар ишга солиниб, оила бюджетини мустаҳкамлаш, дастурхонини тўқинлигини таъминлаш соҳасида аҳолига яқиндан ёрдам кўрсатиляпти.

Президентимизнинг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борисидеги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларига мувофиқ макроеқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, одамлар турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, ислохотларни жадаллаштириш учун барча имкониятлар ишга солиноқда.

Ишлаб чиқилган экологик лойиҳалар минтақадиги муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Бунда ижтимоий ёрдам дастурларини муҳим рол ўйнамоқда. Аҳолини бозор шароитларига мослаштириш учун халқаро Оролни кутқариш ва аҳолини ишга жойлаштириш жамғармалари томонидан амалий ёрдам ушатиляпти. Кичик кредит олиб, чорвалар, дехқончиликдан тартиб ва озик-овқат моллари ишлаб чиқараётган ишбилармонлар анчагина. Йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъектлари томонидан 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар бажарилди.

Оролбўйининг энг чекасида жойлашган Мўноқ туманидан Аёнберг Беймбетов имтиёзли кредит олиб, эски автобусларни

таъмирлашни йўлга қўйди. Ҳозирги пайтда тадбиркорнинг автомобиллари Мўноқ-Кўнғирот шаҳарлари орасида қатнаётган йўловчилар таъмирлашни йўлга қўйди. Ҳозирги пайтда тадбиркорнинг автомобиллари Мўноқ-Кўнғирот шаҳарлари орасида қатнаётган йўловчилар таъмирлашни йўлга қўйди.

«Гулнора-3» хусусий корхонасига банк ўз маблағи ҳисобидан ҳомашё сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 5 миллион сўм кредит ажратди. Айни пайтда корхона новвойлари ҳар кун истаёмолчиларга 500 донна бўрсидоқ ноилар етказиб беришляпти. Ойига 1,5 миллион сўмлик нон, 2,4 миллион сўмлик булочка маҳсулотлари тайёрланмоқда. Йилнинг ўтган давридан олинган соф фойда 1,5 мил-

## Бир Фармон шарофати

нес ва хусусий корхоналар фаолиятини тараққий эттириш ва унинг иқтисодий ётаги қўлишини кўпайтириш мақсадида Президент Фармонлари ва Вазирлар Мақамаси қарорлари асосида тадбиркорлик субъектларига фоизи унча юқори бўлмаган

лион сўмини ташкил этади. «Тол» хусусий корхонасига қурилиш материаллари сотиб олиш учун 5 миллион сўм кредит берилган эди. Айни пайтда бунёдкорлик мақталар, болалар боғчалари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини таъмирлашда фаол қатнашиб, 1,5 миллион сўм соф фойда олишди.

«ХПП-Интер-Фарм» қўшма корхонасига дурадгорлик асбоб-ускуналари ва ҳомашё сотиб олиш учун Банклик жамғармасидан 2 йил муддатга 8 фоиз ҳисобида 5 миллион сўм кредит берилди. Бунинг эвазига 5 та янги ишчи ўрни яратилиб, 3 миллион сўмдан ортиқ дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, Келган фойда қарий бир миллион сўмини ташкил этади.

Дон, пахта, гўшт, сут, қоракўл тери ва бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари тайёрлашда юқори кўрсаткичлар бўлганда кўпга киритилган экан, бунда моддий манфаатдорлик асосий омил бўлиб ҳисобланади. Вазирлар Мақамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорлик-

ни ва кичик бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб имтиёзли кредитлар жорий этилган. Пахта ва галла харажатлари учун 8769 та ширкат ва фермер ҳужаликларини билан контрактация шартномалари тузилди. Тижорат банклари томонидан 5276 та фермер ҳужалигига Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳужалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси орқали 16 миллиард 988,1 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Пахтачилик билан шуғулланувчи 4891 та дехқонфермер ҳужаликларига 16 миллиард 920,5 миллион сўм ва галла етиштирувчи 385 та фермерга 67,7 миллион сўм имтиёзли қарз берилганлиги меҳнат ахирининг куч-ғайратини ошириб юборди. Тадбиркорлар уларни учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, эл-юрт фаровонлигини ошириш, дастурхон тўқинлигини таъминлаш соҳасида қатъият ва ташаббускорлик кўрсатиб меҳнат қилишляпти.

## АЁЛ САОДАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борисидеги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони юзасидан Андижон туманида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Мажбуур 76 та маҳалла, 1 та шахарча ҳамда 9 та қишлоқ фуқаролари йиғинларида 97 минг 687 нафардан зотин хотин-қизлар истиқомат қилишляпти.

Туман «Ишонч» кизлар қўмитаси «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури асосида аёллар саломатликларини муҳофаза этиш, оиладаги муҳитни ўрганиб бир қатор ишларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Фарзанд қўрувчи аёллар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, туман соғлиқни сақлаш бўлими, ҚВЛлардаги малакали шифокорлар билан ҳамкорликда уларнинг саломатликларини таъминлашда муҳим рол ўйнади. Бундай тадбирлар соғлом авлоднинг таъминини таъминлаш соҳасида қатъият ва ташаббускорлик кўрсатиб меҳнат қилишляпти.

И. ҲАҚБЕРДИЕВ,  
«Ишонч» муҳбири



Фермер мулкдорлар синфининг истиқболли вакили. Омилдор, ўз касбининг чинаяк усталари ташаббускорлик кўрсатиб ишлаб, эн дастурхонини тўқинсочин этишга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Ана шундай фидойилар ҳақида гап кетганида, Самарқанд вилоятининг Оқда-ри туманидаги «Наврўз-11» фермер ҳужалиги аъзолари ҳақида меҳр билан фикр юритилди. Унга дехқон фарзанди Кимё Зейдуллаева етакчилик қилмоқда. Опанинг таъкидлашча, дастлаб иш бошлаганларида шароит анчаини мураккаб эди. Ерни обитобига келтириш учун ҳашар

уюштириб, ҳужаликлардан нури, маҳаллий ўғит ташиб келтирилди. Илгорлар таърибаси, фан ютуқлари асосида шароитга мос чигит ва бугдой навлари танланди.

Ҳаракатда, ҳамжихатликда гап кўп. Қирқ кишини иш билан таъминлаган хусусий ҳужалик биринчи йиллик муваффақиятга эришиб, шартнома режасини ортиги билан ўндирди.

— Омадди аёлман, - дейди Кимё она фахр билан. — Нафақамга қўшиб олинган пул-буям лотереясига «Матиз» автомашинасини ютдик. Агротехника ишлари учун лизинг асосида иккита

## ФЕРМЕРГА КЕРАКЛИСИ ЭРКИНЛИК

трактор, битта тележка олиб келинганидан сўнг, самарадорлик янада ошди. 2004 йилда тендер танлови якуни бўйича яна 60 гектардан ортиқ ерли бўлди. Бу билан иш қўлими ҳамда зиммасидаги маъсулоти янада ортди. Тер тўққан кам бўлмас экан. Бу йил фермер ҳужалигимиз учун чинаяк барака йили бўлди.

Чинданам шундай, тадбиркор 36 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб бугдой ҳосили олишди. Омбор донга тўлди. Ҳозирги кунда бутун дик-

қат-этибор қарий 38 гектар ернинг пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай саранжомлаб олишга қаратилган. Ҳосил чўги қўзни қувнатди. Қабул пунктларига топширилаётган «оқ олтин»нинг асосий қисми юқори навларга ўтказилляпти. Катта оила бошлиғи Абдумажид ота Қўлдошев, ўғилларидан бош ҳисобчи Уткиржон, механизаторлар Пўлатжон, Маҳмуджон, микроблар Абдумурод, Абдуғаффор Қўлдошевлар ҳамда қизлари Хуршидабону, Баҳора, Нарғиза, Нигора, Юлдузхонлар

пахтазорда жавлон уришмоқда. Ният бугун-эрта юз тонна пахта топшириб, юзни ёрув қилиш.

«Наврўз-11» фермер ҳужалиги етакчиси Кимёхон Зейдуллаева пахтазорга ўйчан тикиларкан, чорасига аллақандай ўй-хаёллар соя ташлаётганини сезди.

— Фермерга энг кераклиси — эркинлик, - дея фикрини давом эттирди она савол назари билан йили 60 гектардан ортиқ ер қўлимига текканди. Бебаҳо бойлиқни қабул қилиб олаётганимизда, қаердандир келиб ноқонуний жойлашиб олган, ердан ўғринча фойдаланаётган киши-

лар эътиборимизни тортди. Улар рухсатсиз 4 гектар еримизга эгаллик қилишляганини мутасадди раҳбарларга айтди. Негадир натижа бўлмади. Аксинча бизга тазйиқлар қилинди, тухмат тошлари отилди. Ҳатто, ҳужалигимиз ҳисобисини ўғлим Уткир Қўлдошевни роса диққанфас қилишди. Бахтимизга яхши одамлар бор экан. Жонимизга оро киришди. Ҳозирда эртанг кунга катта ишонч ила меҳнат қилаялман. Ахир тадбиркорни меҳрибон Президентимиз қўлламоқда!

**Ю. ОЧИЛДИЕВ,**  
«Ишонч» муҳбири

Хар бир жамоада фидойи, ҳамкасбларига намуна бўладиган ўз касбининг усталари бор. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Даволаш-профилактика марказида ана шундай ходимлар ҳақида гап кетганида муолажа ҳамшираси Маммура Иномова ҳамда физиотерапия бўлими ҳамшираси Шахло Норматоваларнинг номи биринчилар қаторида тилга олинди. Ушбу марказга дам олиб, соғлиғини мустаҳкамлаш учун келган кишиларни улар ширин сўзлари ила қарши оладилар. Муолажаларни вақтида, аъло даражада бажарадилар. Хоналар ҳаммиша озода, саранжом-саришта, гуллар билан безанган. Қадим ранжида қилган кишида хушайфият уйғотади. Эътиборлиси шуки, бу икки саломатлик ҳамшираси энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарининг аксарият турларидан фойдаланишни яхши ўзлаштириб олишган. Шунинг учун фақат раҳмат эшитиб, фаолият юритиб келишмоқда.

**Суратларда: ўз касбининг усталари Маммура Иномова (ўнгда) ва Шахло Норматова.**  
Икром ХАСАНОВ олган суратлар



**Бокс**  
**КЛИКНОНИНГ НАВБАТДАГИ**  
**ЖАНГИ ДЕКАБРДА БЎЛАДИ**

Нигериялик Самюэл Питерни очколар бўйича мағлубиятга учратган украинлик Владимир Кличко IBF ҳамда WBO йўналиши бўйича чемпионлик учун асосий даввогарга айланди.



Мағлубиятлар устидан хатлаб ўтдим ҳамда уларни ортада қолдирдим. Ҳозир боксдан завоқ олаётган ва ким билан бўлса ҳам жанг ўтказишга тайёрман. Мен учун ўта оғир вазнлилар сафида рингга чиқиш ёқимлидир. Баъзи танқидчиларнинг 12 раундлик жанг ўткази олишига ишонган деб умид қиламан - дея айтган боксчи.

Шунингдек, у Питернинг кучли рақиб бўлганини тан олди. Журналистларнинг «Нима сабабдан жанг давомида тез-тез «клик» ҳолатига кириб олдингиз» деган саволига у «жанг стратегияси шундай эди» дея жавоб берган. Боксчи ўзининг келгуси режалари ҳақида ҳам маълумот бериб, навбатдаги жангнинг декабр ойида Германияда ҳозирча номатмул бўлган рақибга қарши ўтказишни билдирган. Чемпионлик камари учун эса у 2006 йил кийин фаслининг охирида рингга чиқиши мумкинлигини айтган.

**Футбол**  
**ЯПОНИЯДАН ҒАЛАБА БИЛАН**



Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Япониядаги ўқув-машғулот йиғинлари доирасида навбатдаги ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. Бу сафар Десмонд Балпин шогирдларига махаллий «Vegalta Sendey» клубининг 17 ёшгача бўлган футболчилардан ташкил толган таркиби рақиблик қилишди. ЎФФ терма жамоалар билан ишлаш бўлими мутахассиси Рамил Илбосовнинг хабар қилишича, учрашув кескин курашларга бой бўлди. Бахс тўла ўзбекистонлик ўсмирлар устунлиги остида ўтди ва натижа шунга яраша бўлди. Япония ўсмирлар терма жамоасига қарши майдонга тушган футболчилардан бироз фарқ қилган таркиб аъзолари ушбу жамоа дарвозасини беш марта забт этишди. Учрашувнинг 26-дақиқасида ҳисоб очилди. Тўп муаллифи Алишер Азизов бўлди. Иккинчи бўлимда Суҳроб Бердиев, Достон Абдураҳмонов, Уч-

**Савол: Мен 1967 йилдан буйи кишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайман. Жорий йилнинг май ойида имтиёзли пенсияга чиқиш учун ариза берганим. Зарур пайтда пахта сугорилиши ишлайман. Пенсияга чиқиш жараёнида сувчилик қилган даврларим алоҳида эътиборга олинмайдими?**

**М. Мўминқелдиев, Ангор тумани**  
**Жавоб:** 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фискалнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддиси «в» бандига қўра, кишлоқ хўжалик ходимлари, жумладан, ширкат хўжалиги ходимлари - эркаклар умумий иш стажига камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йил кишлоқ хўжалиги ишларида турги келса умумий белгиланган ёш (60 ёш)

**Спорт оламида**

қун Умархўжаев ва Алишер Азизов томонидан киритилган тўплар учрашув тақдирини ҳал қилди.

**ТРИНДАД ВА ТАБАГО ТЕРМА**  
**ЖАМОАСИ МУРАБИЙИ**  
**ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ**

Голландиялик мутахассис Роберт Бан Ўзбекистон ҳамда Бахрайн терма жамоалари ўртасидаги плей-офф учрашувини томоша қилиш учун Тошкентга таъриф буюради. Роберт Бан Триндад ва Табаго терма жамоаси мураббийларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон ёки Бахрайн терма жамоаси Осиё минтақаси плей-офф босқичидан муваффақиятли ўта олма, КОНКАКАФ минтақасининг тўртинчи жамоаси билан куч синашади. Бу жамоа номи аниқ бўлиб улгурмаган бўлса-да, Триндад ва Табаго ҳамда Гватемала термаси ҳозирданок плей-оффга тайёргарлик қўрмоқда. Роберт Баннинг Осиёга таърифи ана шу фикрни исботлайди. Умуман олганда, ушбу мамлакат терма жамоаси плей-оффда ғалаба қозongan жамоага рақиблик қилиш учун биринчи рақамли номзод саналади. Зеро, айнан шу жамоа КОНКАКАФнинг тўртинчи жамоаси бўлишига яқин турибди. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ҳамда Бахрайн терма жамоалари ўртасидаги учрашув голиби 12 ва 16 ноябр кунлари Гватемала, Коста-Рика ёки Триндад ва Табаго терма жамоаларидан бири билан учрашади. Дарвоқе, қитъаларо плей-оффнинг жавоб учрашуви Осиёда ўтказилади. Шунга алоҳида таъкидлаш жоизки, бу терма жамоалардан Коста-Рикадан ташқари барча жамоалар ўз тарихида бирор марта ҳам жаҳон чемпионати финал қисмида иштирок этмаган.

**ШЕВЧЕНКОНИНГ**  
**«МИЛАН»ДАГИ 150-ТЎПИ**



Украина терма жамоаси ҳужумчиси Андрей Шевченко ўзи ўйнайдиган «Милан» жамоаси сафида 150-тўпини киритди. Бу юбилей тўпини у «Тревизо» жамоасига қарши кенган ўйининг 44-дақиқасида пенальтидан амалга оширди. Эслатиб ўтамиз, ўйин 2:0 ҳисобида «Милан» фойдасига ҳал бўлди. Шундай қилиб, Андрей Шевченко тўпурар Жозе Альтафинини орта қолдирди. Энди у «Милан» тарихидаги энг кучли тўпурарлар рўйхатида учинчи ўринга кўтарилди. Иккинчи ўринда афсонавий Жанни Ривера (164 тўп) бўлса, рўйхатни 221 та тўп киритган швед Гуннар Нордал бошқариб борапти.

**А. ЮНУСОВ тайёрлади**

**Саволингизга ТДЮИ талабаси**  
**Ф.Бойтўраев жавоб беради**

5 йилга қисқартириб, 55 ёшда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорига 12-иловада «Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16-бандида кўрсатилишича, бутун пахта етиштириш маъмуми давомида ғуза-ни сугорилиш ишлари билан банд бўлган сувчилар учун тўлиқ календар иш йили имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини беради. Сувчилар имтиёзли шартларда пенсия тайинлаш учун мурожаат қилганларида хўжалик бо-

Жаҳон миқёсида халқаро ҳақамлик вазифаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти зиммасида. Бунга ҳамма билади ва эътироф этади. Ҳақиқатдан ҳам БМТнинг ҳақамлик масъулияти жуда юксак ва шарофли. Бирок, жаҳонда шундай халқаро ташкилотлар ҳам борки, мулоқот ҳақамликда ҳам БМТдан устунлик қилишга даъвогар. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХТ) ана шундай ҳақамлик сирасига кириди. Унинг даъвогарлиги шу даражадаки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ер юзиде гўё унга етадиган ҳақиқатгўй ташкилот йўқдай. Қаерда сайлов ёки демократия масаласи кўтарилса, қаерда сўз эркинлиги ёки инсон ҳуқуқлари муаммоси пайдо бўлса, бу ташкилот вакиллари ўша ерда ҳозир у нозир бўлишади. Айниқса, уларнинг собиқ СССР таркибидан ажраб чиққан муқталик давлатларга нисбатан «меҳрмуруватлари» бошқача. Бирорта ҳам инсоннинг тири синиб, бурни қонамаслиги учун ҳаммиша «хўшёр» бўлиб туришади. Эҳтимол баъзи бир юрдошларимиз халқаро ҳақамликка арзийдиган ана шундай нуфузли ташкилотнинг фаолиятини яхши билишмас. Билиб қўйиш эса фойдадан ҳоли эмас. Чунки, хулоса чиқарганда хато қилмайди. Айниқса инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги ва фарб демократияси билан қизиқувчилар бунга били қўйишлари керак.

**ХАЛҚАРО**  
**ТУРИЗМ**  
**ЯРМАРКАСИ**  
**Пойтахтда «Ипак йўли бўйлаб саёҳат» ўн биринчи Тошкент халқаро туризм ярмаркаси иш бошлади.**  
**Унда ўн уч мамлакатнинг тўқсон бешта экспоненти қатнашмоқда.**

«Ўзқўрғазмасавдо» кўرғазмалар мажмуасида очилган мазкур кўрғазмада қатнашаётган экспонентлар сони аввалгиларга нисбатан икки баробар кўпдир.

—Ушбу ярмарканинг аввалгиларидан фарқи шундаки, турли семинар, тақдирот, давра суҳбатлари ўтказиш мўлжалланган, — деди «Ўзбекистон туризм» миллий компанияси раиси Р.Қурбонов. — Хусусан, семинар ва давра суҳбатларида «Туризм ривожидан рекламанинг ўрни», «Ички туризм ривожига тарғиботида ОАВ ўрни», «Ипак йўли бўйлаб саёҳат: ҳамкорлик воситасида муваффақият сари», «Туризмнинг барқарор ривожланиш муаммолари» каби мавзуларда машғуллар ўтказиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, мамлакатимиз туризм санатининг эркин намоёндаларига турли номинациялар буйича дипломлар берилади, «Ўзбекистон» миллий компаниясининг янги веб-сайти, «Ўзбекистонда туризм» журнали, гид-таржимон ва экскурсоводлар учун янги маълумотноманинг тақдироти ўтказилади. Ярмарка қатнашчилари ва меҳмонлари гўзал шоу-миллий либослар намоиши ҳамда халқ хунармандлари яратган маҳсулотлар кўрғазмаси билан танишишади.

Р.Қурбонов таъкидлашича, туризмнинг маҳаллий ва хорижий намоёндаларининг мазкур ярмаркага қатнашиши билан қараётгани бежиз эмас. Ярмарканинг ранг-баранг ва бой дастуридан ташқари уларни кўпроқ ҳозирги вақтда жаҳон бозорида Осиё қитъаси мамлакатлари, жумладан Буюк Ипак йўлида жойлашган юртларда дам олиш ва саёҳат қилишга талабдорлар ошганлиги, шунингдек, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида амалга ошираётган ислохотлари ва унинг тараққиётини устувор масалаларига янгича ёндашуви жалб этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 21-бандига қўра агар ҳодимга пенсия тайинлаш рад этилган бўлса, бу ҳақда рад этиш сабаблари кўрсатилиб, ижтимоий таъминот органи сизга ёзма равишда хабар бериши керак. Хатингизда ижтимоий таъминот органи ҳужжатларга нисбатан айнан қандай рад этиш сабаблари кўрсатилганини аниқ аъзагансиз. Хатингиз мазмунига қўра улган 1964 йилдан 2001 йилгача фаолиятингиз меҳнат дафтаринида «колхозчи» деб кўрсатилганлиги фактини қамчилик сифатида кўрсатишмоқда. Ушбу «қамчилик» фактини қамчилик сифатида кўрсатишмоқда. Ушбу «қамчилик» фактини қамчилик сифатида кўрсатишмоқда. Ушбу «қамчилик» фактини қамчилик сифатида кўрсатишмоқда.

барча мамлакатлар бир хил макомга эга ва қарор кўпчилиги овоз билан қабул қилинади. Одатда ҳамма ерда ҳозир нозир Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳақида гап борганида унинг ҳақ-хуқуқи жиддийлик ва хўшёрликка сабаб бўлади. Аслида ташкилот қабул қилмаган қарор юридик макомга эга, Шунга қарамасдан ЕХТнинг барча қарорлари ҳамда мажбуриятлари юридик тил билан расмийлаштирилади. Уларни бажариш халқаро шартномаларда шакланган ҳуқуқий асосларни қўллашни талаб этади. Яқунлиги Акт ҳам, ЕХТнинг учрашув ва кенгашларида қабул қилинган бошқа ҳужжатлар ҳам юридик нук-

**ЕХТ:**  
**ВАКОЛАТ**  
**ЧЕГАРАСИ**

таи назардан халқаро шартномалар ҳисобланмайди. Аммо бу ҳужжатлар халқаро ҳуқуқнинг манбалари ҳисобланади ва унинг асосларини шакллантиришга хизмат қилади. Демак, бу ҳужжатлар сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлар сирасига кириди. Уларни бажармаслик суд жавобгарлигига тортиш имконини берамайди.

Албатта, бундан ЕХТнинг қарорлари ҳеч қандай юридик кучга, мажбурий ҳолатга эга эмас экан, деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки, энг юқори сиёсий даражада имзоланган ҳужжатлар, шубҳасиз, халқаро шартномалар даражасида аҳамиятга эга бўлади. Давлат раҳбарлари ўз имзоларини қадрлашлари турган гап. Бунинг устига ЕХТ Европада ўз макоега ҳамда таъсир кучига эга ташкилот ҳисобланади.

Ташкилотнинг доимий тизимлари, ходимлари, бош идораси ва муассасалари, доимий молиявий ресурслари ва бошқа имкониятлари бор. Инсон ҳуқуқлари ташкилот фаолиятининг асосини ташкил этади. Шарҳимиз сўнггида бу ҳусудда муфассал тўхталамиз.

ЕХТ нодавлат ташкилотлар билан яхши алоқа урнатган. Бу алоқа Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси орқали амалга оширилади. Бюронинг иккита бўлими бор. Биринчиси сайловлар билан шуғулланади, иккинчиси инсоннинг демократия қуришидаги имконият мезонларини ўрганади. Бюро жойларда сайловларни назорат қилиш билан бирга инсон ҳуқуқлари бўйича ҳақамлик ҳам қилар экан, ана шу йўналишда бўйича ҳисоботлар тайёрлайди, халқаро семинарлар ҳамда кенгашлар ўтказишни таъминлайди. Бюронинг маркази Варшавада жойлашган.

Турли низо ва можароларнинг олдини олиш билан кам сонли миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар шуғулланади. Унинг идораси Гаагада жойлашган. Олий комиссар жойлардаги вазиятларни ўрганиб, ҳар қандай инзонинг олдини олиш ва томонларни муроғасга келтириш чорасини кўради.

1997 йилда ЕХТнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакили лавозимини таъсис этилди ва вакилик Венага жойлаштирилди. Вакилнинг вазифаси аъзо давлатларда оммавий ахборот воситалари эркинлиги қай даражада эканлигини ҳамда одамлар ўзини асосатарилини барта-раф этишга вазифадор қилинган. Ташкилот хавфсизлигини таъминлаш масаласига кўп томонлама ёндашди ва асосан ҳамкорлик қилишга таянган. Бу ҳамкорлик қурол-яроғлар устидан назорат, ўзаро ишончини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, сайловларни қузатиш, нозик дипломатия, иқтисодий ҳамда экологик ҳамкорлик каби қўлгана соҳаларни ўз ичига олади. Ташкилот фаолиятида иштирок этадиган

**Газетхон илтимосига кўра**

мажлисга тўпланиб, ташкилот ваколатига кирадиган барча масалаларни муҳокама этиб, тегишли қарорлар қабул қилдилар. Хофбургда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик Форумининг мажлислари ҳам ўтказилди. Шунингдек, делегациялар ўртасидаги турли даражадаги норасмий учрашувлар ҳам Венада бўлиб ўтди.

Доимий кенгаш мажлисларидан ташқари вақти-вақти билан Раҳбарлик кенгаши учрашувлари қачириб турилади. Унда аъзо-иштирокчи давлатлар сиёсий департаментларининг раҳбарлари ёки бошқа юқори мартабали мансабдорлари учрашиб, асосан сиёсий масалаларда маслаҳатлашиб

мисоллар бўлса - ҳаммаси шу мамлакатларда бор. Бонг уриш, ҳисоботлар тайёрлаш, мажбуриятлар юқлаш билан уларнинг борлигини ва ишлаётганликларини эслатиб туришса бўлгани. Нафақат инсон ҳуқуқлари бузилаётганлигини ёки демократия оқаётганлиги борисида, балки сайловлар масаласида ҳам ёндашувларда баъзан изчиллик ҳамда холислик кўзга ташланмапти.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Биз яқин билан, ЕХТ вакиллари кўлаб давлатларда президент ва парламент сайловларида қузатувчи сифатида қатнашиб, йўл қўйилган хато-қамчиликларни ҳамда қонунбузарлик ҳолатларини дарҳол қайд қилдилар ва ҳисоботга киритадилар. АҚШдаги ўтган президент сайловида эса айрим штатларда ЕХТ қузатувчиларини ҳамда сайлов участкаларига яқин йўлатишмади ҳам. Бирок бунинг учун ҳеч ким бонг урмади. Бонг урмайди ҳам. ЕХТга АҚШнинг таъсири кучли. Ана шу таъсир туфайли бу ташкилот Марказий Осиёдаги давлатларни инсон ҳуқуқлари масаласида «исканжа»га олишни одат қилган. Шу баҳона Фарбининг турмуш тарзини, қадриятларини, тартиб-қоидаларини ўзгаларга тикиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Минтақавий можаролар, миллий-этниқ низолар, террористик хуружлар масалаларида ҳам ёндашувлар турлича. ЕХТ ўз вақтида Босниядаги юз мингдан иккинчи мамлакатга алмасув йўли билан ўтди. Раис - навбат теккан давлатнинг ташқи ишлар вазирини ўз ишида уликка таянади. Учиқ эса олдинги раис, амалдаги раис ва бўлгуси раисдан иборат. Амалдаги раис у ёки бу муаммолар ҳамда юзага келган вазиятлардан келиб чиқиб ўзининг шахсий вакилларини тайинлаши мумкин.

Амалдаги раис ўзининг асосий вазифасини Бош котиб орқали бажаради. Ташкилотнинг бутун мақсад ва иттилошларини амалга оширишда асосий ижро механизминини Бош котиб ҳаракатга келтирилади ва у ёки фаолият қўрсатади. Ташкилотнинг тизимлари ва иш жараёнлари раҳбарлик қилади. Котибият ишнинг юриятиди. Котибият таркибига Бош котиб маҳкамаси, низоларнинг олдинчи олиш маркази, маъмурий-оператив департамент, иқтисод ва атроф муҳит бўйича ташкилот фаолиятини йўналтирувчи координатор хизмати кирди. Котибиятнинг бош қароргоҳи Венада жойлашган. Ташкилотнинг Прага бўлими ахборот-хўж-жатлаштиришни таъминлаш вазифасини бажаради.

Сизларни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти билан мумкин қадар мукамалроқ таништиришга ҳаракат қилдик. Унинг тизимлари, вазифалари, ҳақ-хуқуқлари, Европада ва жаҳонда тутган ўрни ана шулардан иборат. Бу йил унинг ташкилот этилганга ўттиз йил бўлди. Демак, ташкилотнинг ўтган даврда босиб ўтган йўли ва ҳозирги фаолияти доирасида фикр-мулоҳаза юритиш учун асос бор. Шу маънода биз кейинги йиллардаги қузатишларимиз натижасида туғилган айрим фикрларимизни баён қилмоқчимиз.

Тўғрисида айтилган бўлса, ҳозир ЕХТ олдиндаги умумевропа ташкилоти эмас, балки айрим минтақалардаги мустақил давлатларга Фарбининг таъсирини ўтказиш қуролига айланб қолди. Бу ташкилот кўпроқ Европа, АҚШ ва Канада билан эмас, аксинча, Кавказ ва Марказий Осиё билан шуғулланмоқда. Ташкилот инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, сайловлар, демократия масалалари билан боғлиқ барча муаммоларни асосан ана шу минтақалардан изляпти. Европа, АҚШда ва дунёнинг бошқа жойларида гўё бундай муаммолар йўқдай.

Бугунги кунда ЕХТнинг асосий иш объектлари собиқ СССР таркибидан ажраб чиққан мустақил давлатлар бўлиб қолди. Уларнинг назарида инсоннинг ҳақ-хуқуқлари бузилишига доир қандай

**Иброҳим НОРМАТОВ,**  
**сиёсий шарҳловчи**  
**«Туркистон-пресс»**

**«Respublika Ko'chmas mulk birjasining Toshkent shahar filiali»**  
**Харидорларни марказлаштирилган электрон биржа**

**савдоларига таклиф қилади**  
Биржа савдолари хар ҳафтанинг дучанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.  
2005 йил 30 сентябр кундан бошлаб Биржа савдоларига қуйидаги давлат объектлари қўйилмоқда:  
Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Корасарой кўчаси 314 «б» уй манзилида жойлашган, «Shou» тадқиқот институт шохбачаси шўба корхонасининг 49 фоизлик давлат активи.  
**Бошланғич нархи - 10305300,0 сўм,**  
Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Тош-

кент шаҳри, Бектемир тумани, Водник да-ҳаси, 40-Мен йўли кўчаси, 13-уй манзилида жойлашган «SUVLOYIX» бирлашмасининг Тошкент вилоят бўлими.  
**Бошланғич нархи - 4286100,0 сўм,**  
Шу кўчмас мулкларнинг эгаси бўлишни истасангиз, биржа савдоларида рўйхатдан ўтган малакали брокерлар Сизнинг хизматингизда бўладилар.  
**Мурожаат учун манзил:**  
**Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси,**  
**10-уй, 3-қават, 35 ва 45-хоналар,**  
**Телефонлар: 136-15-29, 134-28-75,**  
**144-44-72, 144-44-73.**

**Олис фазо сирлари, бепойн коинотдаги воқеа ва ҳодисалар ҳеч бир кишини қизиқтирмайдиган қолмайди. Бундан икки йил муқаддам қаршилик мактаб ўқувчилари Гузал Матхалилова ва Лена Фойибалар газетада академик Ш.Вохилов томонидан Ўзбекистонда халқаро авиакосмик мактаби ташкил қилинганини ўқиб қолган. Бу янгиликка интилувчан ёшлар қизиқшини жўш урдириб юборган эди. Шу тариқа улар тест синаловларини муваффақиятли топшириб, мактабга қабул қилиниши. Ёзги таътил вақтида авиамоделизм ва ракеташунослик асосларини ўргана бошладилар.**

Мамлакатимизнинг таниқли олим ва конструкторлари томонидан ўқилган маърузалар қалбларимизда катта таассурот қолдирди. — дейишади қизлар фахр билан. — Хузуримизга француз авиаконструкциясининг ўқувчилари ҳам ташриф буюришди.

Тажрибали конструкторлар ёрдамида компьютердан Россия Федерациясининг космонавтлар шаҳарчаси сайтини топган қизлар фазогирлар тайёрлаш маркази билан алоқа боғлаш имкониятига эга бўлишди. Уларнинг фазолли соҳадаги пухта билимлари билан марказ ходимларининг эътиборини тортишди.

Бир гал Қаршига,

Звёзднийдаги Ю.А.Гагарин номи космонавтлар тайёрлаш марказида инсоннинг илк бор очик космосга чиққанлигининг 40 йиллиги муносабати билан «Звёздная эстафета» деб номланган халқаро илмий-

## ЎЗБЕКИСТОНИА САЙЁРАСИ

### ёхуд космонавт — учувчилар эътирофи

техникавий, бадий лойиҳадан танлови бўлиб ўтди. Жаҳондаги энг етакчи мамлакатлар ёшлари қатнашган ушбу анжуманда қаршилик Гузал Матхалилова ҳам иштирок этиб, иккинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Яқинда Қашқадарёга Тошкент вилояти Паркент туманидан хушхабар келди. Унда айтилишича, тумандаги 17-халқаро аэрокосмик мактабда ташкил этилган бир ойлик ўқув машғулотида Канада,

## Ифтихор

келажақда муносиб мутахассис бўлиб етишиши мумкин. Биринчи космонавт Юрий Гагариндан сўнг 400 дан ортик киши фазога учди. Ҳамюртимиз Владимир Жонибеков 86-ўринда самога парвоз қилган бўлса, ўзбек йигити Солиҳон Шарипов 237-космонавт сифатида тарихга кирди.

Астрономлар Галактикадаги сайёралардан бирининг номини Ўзбекистония деб атадилар. Юртимизнинг бетакорр тисоли бўлган оғирнинг сунъий йўлдоши мустақил дийрими доврғини оламга намойён этиб турибди. Бундан ташқари, Ойдаги кратерлардан учтаси Мирзо Улугбек, Ал-Беруний, Аҳмад Фарғоний номига қўйилган.

Улуғ алломалар етишиб чиққан мамлакатда яшаётган Лена ва Гузал фанлардан ташқари Тошкент авиация институтига кириш ва муҳандис-авиаторлик касбини эгаллаш орзусида.

ЁЛКИН

## Оқибат

# БИЗДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ

**Бугун ҳаммамнинг юзида қувонч. Саф тортиб турган, кўнгли севингча тўла ўғил-қизлар ота-оналари, тарбия ва ўқитувчиларига чиройли гудасталар тақдим этидилар. Сўнгра боғчага келган кундан бошлаб ўрганган билим ва кўникмаларини намойиш эта бошладилар.**

Болаларнинг мусика садолари остида уйғун ҳаракатлар билан рақсга тушиши, жўр овозда кўшиқлар қўйлаши, ўзбек, рус, инглиз тилларида шеърларни ёддан раван айтиши барчага олам-олам завқ бахш этди. Айниқса, уларнинг таъқонда бўйича қўзғалмали чиқишлари қизиқиш билан кутиб олинди.

1988 йилда ишга тушган маъруза тарбия масканининг, икки қаватли иморати маблаг етишмаслиги сабабли жиддий таъмирлашга муҳтож эди. Кейинчалик боғча мудири Шоида Мамадалиева ва Шоида Мамадалиева билан бинонинг томи янгиланди, иситиш тизими марказдан узалиб, алоҳида қозонхона ўрнатилди.

Илганувчанлик, янгиликка интилиб яшаш раҳбар одам учун энг керакли фазилат ҳисобланади. Ҳаёти болалар тарбиясига таълим-тарбия ишлари самарадорлигини оширишга жиддий киришди. Бўка шаҳридаги ушбу 11-мактаб-боғчада болалиқнинг энг қувончли, завқли дамларини самарали ўтказиш билан бирга жажжи фарзандлар дастлабки бошланғич таълим кўникмаларини ҳам олади. Шунингдек, фанлардан чуқурроқ билим берадиган синфхона ҳам ташкил этилди. Она тили, рус тили, инглиз тили, жисмоний тарбия ва бошқа фанлардан билим олган боғча битирувчилари кўшни 4.-5.-53-мактаблар парталарида тайёр саводхон ўқувчи сифатида таълим олиши давом эттиришмоқда. Ушбу мактабларнинг педагогик жамоалари мактаб-боғчанинг ёрдамидан миннатдор. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Бобур Дадабоев, инглиз тили муаллими

Гулбахор Исмоилова бу ерда бошланғич таълим синфлари очилган 1997 йилдан бунён меҳнат қилиб, ушбу янгиликнинг афзалликларини амалда исбот қилиб келмоқдалар. Ота-оналар ўртасида ҳам фарзандларини боғчадаги мактаб синфларида ўқитишни истовчилар кўпайиб бормоқда.

Еш авлоднинг саломатлигини муҳофаза қилишда, маънавий дунёқарашининг яхши ривожланишида атироф-муҳитнинг, шароитнинг таъсири ҳам салмоқли ўрин тутди. Мутахассислиги бўйича педагог-психолог бўлган Ш.Мамадалиева барча хоналарни капитал таъмирлаш долзарб вазифа эканлигини кўпдан ўйлаб юрар эди. Бу ишни амалга ошириш учун бюджет маблаг акратилиши кутиб ўтирмади. Шу мақсадда ота-оналар, тадбиркорлар, фермерларга кенгаш солинди. Ўз фарзандларининг қамол учун ҳамма ишга тайёр бўлган бу фидойи кишилар тарбия маскани раҳбарининг таклифини тўла қўллаб-қувватладилар. Таъмирлаш ишларини амалга оширадиган кўли гул усталарни ишга жалб қилиш, иш сифатини назорат қилиб бориш Шоидадан кундалик ишларидан бирига айланиб қолди. Натижа кутилганидай бўлди. Мажҳуд 38 та хона, деворлар сифатли пардозланди.

Боғча жамоаси бунёдкорлик ишларида ўз маблаглари билан яқиндан ёрдам берган тадбиркорлар Эсонбой Комилов, Боқи Абдуллаев, Раҳим Ёқубов ҳамда баҳоли қудрат кўмакка ошиқан барча ота-оналарга ўз миннатдорчиликларини билдирмоқдалар.

Т. ҲАЙДАРОВ



## НИСБИЙЛИК НАЗАРЯСИ

### кашф қилинганига юз йил тўлди

**Буюк физик олим Альберт Эйнштейннинг нисбийлик назарияси кашф қилинганига юз йил тўлиши муносабати билан ЮНЕСКО томонидан 2005 йил - физика фани йили деб эълон қилинган эди.**

Кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Махлислар залида Ўзбекистонда физика фани деб номланган конференция ўз иштини бошлади. Анжуманда академиклар, профессорлар, фан докторларидан тортиб фан оламига тетапоқ қилиб кириб келаётган ёш толиби илмларгача иштирок этди. Шу муносабат билан Фанлар Академиясининг Президенти Бекзод Йўлдошев анжуман қатнашчиларини табриқлаб, юртимизда физика соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир дастуридан ўрин олган илгор илмий маърузалар Ўзбекистон физика фани усталари ҳисобланган олимлар томонидан иштирокчилар эътиборига ҳавола этилмоқда. Конференция бугун ўз иштини якунлайди.

А. ЁРБЕКОВ

## Гиёҳвандлик — аср вабоси

**Гиёҳвандлик ёш, миллат, ҳудуд танламайди. Чегара, мезон билмайди. Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асариде таъкидланганидек, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва савдо қилиш, унинг ҳалокатли оқибатлари инсониятга, соғлом насл, миллат генфондида катта зарар етказди.**

Мамлакатимизда гиёҳвандлик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қаршй кураш бўйича давлат тизими ташкил этилган. Юртимизнинг жанубий дарвозаси ҳисобланган Сурхондарёда «захриқоти»нинг контрабанда йўли билан кириб келиши ва транзитининг олдини олиш учун таъсирчан чора-тадбирлар кўриляпти.

Хуқуқ-тартибот идоралари, ички ишлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ходимлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутаассиди ташкилотлар томонидан фуқаролар тиббий маданиятини ошириш, аҳолини гиёҳвандлик балоидан йироқ бўлишга даъват этувчи маданий-маърифий тадбирлар уюштириляпти.

Оммавий-ақборот воситаларида «Гиёҳвандлик — умр заволи», «Хавф солаётган иллат», «Оғоҳликка даъват», «Барча касалликлар манбаи» каби давра сўхбатлари ва учрашулар ўтказиляпти. «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари Р.Ашуров, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши раиси А.Ҳўжамқулов, 1-катталар поликлиникаси генетолог шифокори Б.Самодова, нарқолок врач О.Саидова, «Алломиш» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар бўйича маслаҳатчиси Г.Турсуноваларнинг маҳаллий телевидение

орқали чиқишларида гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари очиб ташланди.

«Аср вабоси» номи билан балои офатни йўқотиш ҳар бир кишининг муҳим вазифаси. Бирок, кунлар даромадини ўйлаб, чойчақа кетидан қувиб, қилаётган ишининг оқибат-

давлатлар билан туташганлиги бангифурушларга қулай туюлаётганлиги аниқ, албатта. Тошкентлик Рихситилла Файзуллаев ўзи бошқариб кетаётган «КАМА3-5410» русумли 30Л 2037 давлат белгили автоуловда ахтиёт қисм ва қалитлар сақланадиган қутидан са-лафанга ўралган 154,8 грамм қораторини Айри-том божхона мажмуасидан олиб ўтаётганида қўлга олинди. Чимкентлик Бауржон Шамикнов қариндош-уруғларини қўриб келиш баҳонасида 970 грамм гиёҳванд моддани

олиб кетаётганида ушланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Гиёҳвандлик тез тарқалиш хусусиятига эга оғир касаллик бўлиб, тиббий, ижтимоий ва хуқуқий муаммоларни келтириб чиқаради. Айни пайтда у инсон соғлиғига жиддий зарар етказиш билан бирга ахлоқсизлик, юқумли касалликлар, жиноятчилик, ёт таъсирларга тушиш манбаи ҳам ҳисобланади.

Зеро соғлом фикри, эзгу гоъли, маънавий барқамол ва жисмонан бақувват авлоднинг тарбияш шунга яраша сайъ-ҳаракатни тақозо этади. Гиёҳвандликни фош этиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлишига эришибгина бу юмушнинг урдалаш мумкин. Нарқобизнесга қарши кураш оила, маҳалла, мактаб ва жамиятнинг ишига айланиши дарқор.

И. ИСОМИДИНОВ

## Китоб - офтоб

# МАРКАЗИЙ КУТУБХОНА

**Хива марказидаги Нуруллабой саройи билан Исфандиёрхон яшаган салобатли бино оралиғида шарқона меъморий услубда қурилган қадимий, гузал қошоналар жойлашган. Эртанлардагидек афсонавий бу гўшалар ҳаммиша одамлар билан гавжум. Яқинроқ келиб қарасангиз бу ер зий маскани - шаҳар ва туман марказий кутубхонаси эканлиги га гувоҳ бўласиз.**

Марказий кутубхонамиз 9 та тармоқга эга. Юз мингдан ортик китоб фондими, 30 мингга яқин китобхоними бор, — дейди мудири Зумрад Рўзиматова. — Хивалиқлар мутулаага ўч.

Утган йили ҳар бир китобхонада 12-15 тадан хилма-хил асарлар ўқишди. Жорий йилда бу рақам икки баравар кўпайиши кутилмоқда.

Айни кунда кўна шаҳарда аграр, тиббиёт коллежлари, Мамвун академияси, кўрпал мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Кутубхоналарнинг асосий китобхоналари ҳам билимгоҳ талабаларидир. Ал-Хоразмий, Беруний, Огаҳий, Мунис ва Аваз Утар издошларини зий масканларида хар доим учратиш мумкин.

Ҳадемай Хива шаҳрида Мамвун академиясининг 1000 йиллиги тантанали нишонланади. Қадимий ва гузал шаҳарда хориджан ташриф буюрадиган меҳмонларни кутиб олишга алоҳида таъйёргарлик кўришмоқда. Юбилей санасига таб марказий кутубхона маънас дастур ишлаб

чиққан. Зий маскани нуфузли тадбир муносабати билан қайта жиҳозланиб, тарихий китобларга бойитилди. Турли қизиқарли учрашулар, давра сўхбатлари ташкил этилмоқда.

Яқинда марказий кутубхонада «Аждодлар мероси—тарих кўзгуси» деб номланган китобхоналар конференцияси бўлиб ўтди. Унда ёш илм толиблари билан бирга тарих фани ўқитувчилари, Мамвун академияси олимлари ҳам иштирок этишди. Кекса педагог Қаримбой Машарипов, уруш ва меҳнат фаҳрийси Отабой Собиров, уй бекаси Мианавар Қаримбоева, талабалардан Худойёр Озодов ва Бекжон Нуровлар кутубхонанинг фаол аъзолари эканликларини амалда исбот этишди. Зий масканида бўлиб ўтган «Соғлом ёшлар-ҳамият пойдевори», «Соғлом фарзанд-Ватан кўрки», «Оила-табиатни ҳоқ асар», «Мустақиллик-олий қадрият» каби тадбирлар китобхоналарда катта таассурот қолдирди.

Э. ЭРМАТОВ  
«Ишонч» муҳбири

**Яқинда турмуш ташвишлари билан бўлиб узок йиллардан бунён кўриша олманган эски қадрдоним билан бир гаплайиб келиш баҳонасида ховлисини катта шаҳардан қийриб топдим. Топдим-у, остонасида анчагина туриб қолдим: кўппа-кундуз кўни бўлишига қарамай, дарвоза ичкаридан берк эди. Шу замон фарзанди эканлигим учун бўлса керак, бу ҳол мени унга ажаблантирмади. Шундан кейин дарвоза четига ўрнатилган чакирув тумчасини босишга шайландим. Аммо унинг ёнидаги: «Осторожно, злая сабака!» деган ёзув ва итнинг сувратини кўриб, қўлим бир зум муаллак қолди.**

«Касални яширсанг, иситмаси ошор қилади», ҳам ҳеч кимга сир эмас: деганларидек, сийратимизни қанчалик яширишга уринмайлик, сувратимиз, кўча эшиқларимиз бизнинг кимлигимизни одамларга айтиб туради. Шу нуктаи назардан диққатингизни ушбу мавзуга қаратгим келди.

Дарвоза дейсан-а, болам! — дея гап бошлади касон ёшли момо бир сўхбатда. — Одамлар юз-юз эллик йил умр кўрган амонларда ҳам улар шунга умрга уй-ҳой қилиб ўтирмагани, деб қапа тикиб ўтиб кетишар экан. Уй бўлмаганидан кейин дарвоза бўлармиди?...

Момонинг бу лўнда жавоби ўзбек халқининг қадимий меҳмондўстлигини, гап-гаштакка ўчилигини ёдимизга солади. Зеро, бизнинг ота-боболаримиз бирор кунини меҳмонсиз тасаввур эта олмаган. Аммо халқимизнинг ўта меҳмондўстлиги, кўнглининг ўта очиклиги

анча қимматга тушганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас: унинг меҳмонлари аста-се-

# КИЙИМНИНГ ЯНГИСИ

## дўстнинг эскиси яхши

кин мезбонини ўз ҳукмига юргизишни истаб қолдилар ва маълум маънода бунга эришдилар ҳам. Нияти буки-«меҳмон»лар зулмидан жабранган ўзбек шундан кейин ҳимояланиш чораларини қидириб қолди — атирофини ураб, темир кўрғонлар кура бошладилар. Энди бизни узок қишлоққа ҳеч қим тақиллатмайди ҳам» дейди. Чунки шундай дейиши керак бўлади кишининг ўзи ҳам ёлғизликни ёқтиради-да!

Дарвоқе, сўхбатимиз шаҳардаги бир ховли остонасидан бошланган эди. Хул-

## Мулоҳаза

жомадонлар билан бирга ўз қалбларимизга ҳам қулф осдик! Бу не кўргуликки, бир ховлида ашайдиган ота ва ўғилнинг, она ва боланинг бир-бирдан беркитадиган алоҳида кутилари, қулф-қалитлари пайдо бўлди.

Бу не тонгики, ёлғизликдан ҳаловат қидирадиган, одамлар сўхбатидан иложи борича ҳолироқ бўлишга

«Тонгда Худо риққ улашади. Сахар туриб дарвозангни очиб қўй» дер эдилар дадам раҳматли. Бу тонг сахар туриб очилган дарвозадан менинг дарсонамга мана шу фикрлар кириб келди. Сабо билан кирган илҳомдан эхтиросга берилган бўлсам, очик дарвозангиздан уйингизга китобча шаклида бевақт ташриф буюриб, ҳаёлингни булган бўлсам, ниҳоят, янглиш фикр айтиб вақтингизни олган бўлсам, мени маъзур тутинг.

Демокриманки, яхши одамларга, яхши сўхбатдошларга ҳаммиша дарвозамиз очик бўлсин. Шунда кўлимиз ҳам, қалбимиз ҳам очик, юзимиз ёруғ бўлади — ахшилар сўхбатидан кўнглимиз баҳраманд бўлади.

Сиддик МҮМИНОВ,  
филология фанлари доктори

**ISHONCH**

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (Бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доворие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78;  
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топшириш вақти - 21.40

Тиражи: 7765

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Бюджетга 1— 616